

Юридик ва юридик мақомага эга бўлмаган тадбиркор истеъмолчилар учун

ШАРТНОМА

2022 йил "10" январь 1520037-сон ШАРТНОМА (шартнома тузилган машина) Навоийлик ш.к.

Наманган Худудий Электр Тармоқлари Корхонаси акциядорлик жамияти (электр таъминоти корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.) асосида фаолият юритувчи раҳбари (кейинги ўринларда "Корхона" деб аталади)

бир томондан ҳамда И.И. Ибрагимов раҳбари Д.С. Насретдинов асосида фаолият юритувчи ("Истеъмолчи"нинг номи) раҳбарининг Ф.И.О.

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), хисоб рақами – иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида тузилдилар:

I. Шартнома предмети

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда – Шартнома деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда – энергия деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. Етказиб берилган энергияни хисобга олиш

- 2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми: Актив _____ кВт.с. реактив _____ кВт.с
- 2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кундаги умумий нархи _____ сўмни, тариф(лар) бўйича _____

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПҚ-3379 нинг рўқамлига курсатилган махсуслов ишлаб чиқарувчи ва айрым хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун (кераслиси Ўзбекистон)

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари). Электр энергиясини хисобга олиш приборлари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобга сотиб олинади, давлаг киёловидан ўтказилади, Корхона томонидан Бюро билан ҳамкорликда бепул ўрнатилади, пломбёланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги "Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3379-сонли қарорнинг иловасига асосан тасдиқланган рўйхатда кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер ҳўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлаг бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустаено) Энергия учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар: ярим тизиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9:00 дан 17:00 гача) – белгиланган тариф бўйича,